



ТЕМИРҲО‘ЛСНИ

Temir yo'llar mamlakatimiz iqtisodiyoti-ning qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan



О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-yil • 30-aprel • payshanba • № 17 (6597)

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҚЎҚОН, НАМАНГАН, АНДИЖОН ВА МАРҒИЛОН ШАҲАРЛАРИНИ БОҒЛОВЧИ ЯНГИ ЭЛЕКТРО-ПОЕЗД ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЯНГИ ЭЛЕКТРОПОЕЗД ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Жорий йилнинг 27 апрель куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи давомида жамоатчилик вакиллари билан бирга ушбу йўналишдаги илк поездда Қўқон шахридан Марғилон шахрига келди.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 декабрдаги “2030 йилга қадар темир йўл транспортида маҳаллий йўналишларда йўловчи ташиш кўрсаткичларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида амалга оширилди.

Лойиҳа аҳоли зич яшайдиган Фарғона водийсида транспорт қатновини яхшилаш, фуқароларга қўлай, хавфсиз ва арзон хизмат кўрсатиш, йўловчи ташиш ҳажмини оширишга хизмат қилади.

324 километрлик ушбу темир йўл ҳалқаси водий вилоятларини ўзаро янада яқинлаштириб, аҳоли, тадбиркорлар ва сайёҳлар учун янги имкониятлар очади.

Янги поезд Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводида ишлаб чиқарилган. Олти вагондан иборат, 586 ўринли поезд соатига 120 километргача тезликда ҳаракатлана олади.

Чипта нархи 15 минг сўм этиб белгиланган. Бу автомобиль транспортига нисбатан анча арзон ва қўлайдир. Кунига 1,5 минг, йилига қарийб 600 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти ҳудудда иқтисодий фаолликни оширишга хизмат қилади.

Вагонларда иқлим назорати тизими ва кондиционерлар ўрнатилган. Бепул Wi-Fi, гаджетлар учун USB-портлар мавжуд. Ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус кўтаргичлар, кенг жойлар ва мослаштирилган ҳожатхоналар кўзда тутилган. Велосипедларни ташиш учун маҳкамлагичлар йўловчиларнинг сафардан кейин ҳаракатланиш имкониятини янада кенгайтиради.

Вагонлардаги видеокузатув ва зарба кучини камайтирувчи қреш-тизимлар халқаро хавфсизлик стандартларига мос келади.

Йўл давомида Президентимиз вилоят фаоллари билан ҳудудда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашди.

Янги темир йўл ҳалқаси Фарғона водийсининг туризм салоҳиятини ҳам янги босқичга олиб чиқиши таъкидланди. Бекатлар атрофида хизмат кўрсатиш шохобчалари, меҳмонхоналар ва умумий овқатланиш масканларини ташкил этиш зарурлиги, бу маҳаллий аҳоли учун қўшимча даромад манбаини яратиши қайд этилди.

Prezident.uz

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

ТЕМИР ЙЎЛ ОБЪЕКТЛАРИДА ЁНГИН-ТЕХНИК КЎРИГИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бош муҳандиси Ш.Қодировнинг 2026 йил 8 апрелдаги 204-А-сонли телеграф кўрсатмасига мувофиқ, жорий йилнинг 10 апрелдан 1 июнь кунига қадар темир йўл корхона, станция ва вокзалларида, шунингдек, тиббиёт муассасаларида ёнгин-техник кўриги ўтказилмоқда.



Мазкур тадбир “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонуннинг 43-моддаси ҳамда 2026 йилга мўлжалланган ёнгин профилактикаси ва ёнгин хавфсизлигини мустақамлаш бўйича иш режасига мувофиқ портлаш, ис газидан заҳарланиш ҳамда ёнгин тарқалишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилмоқда.

Ушбу кўрик темир йўл тизимида ёнгини олдини олиш назоратини кучайтириш, фавқуллода вазиятлар, ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда ёнгин хавфи юқори бўлган объектларда чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган, – дейди Ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармасининг Ёнгин хавфсизлиги бўлими бошлиғи А.Хусанов. – Ёнгин-техник кўриги Жамият тасарруфидаги барча темир йўл объектларида, шунингдек, ҳаракатдаги таркиблар – тепловоз, электровоз, юк, йўловчи ва махсус вагонларда ўтказилмоқда.

Текширув жараёнида асосий эътибор ёнгинга қарши сув таъминоти тизимларининг меъёр талабларига мувофиқлигини таъминлашга қаратилмоқда. Жумладан, сув қувурлари, ер ости ўт ўчириш гидрантлари, сув ҳавзалари, ички ёнгин ўчириш жўмрақлари, насос станциялари ва уларнинг техник ҳолати синчиклаб текширилмоқда. Бундан ташқари, электр кабеллари ҳамда ускуналари ёнгин хавфсизлиги ҳолати, электр тақсимлаш қутбидидаги симлар электр қурilmаларини ўрнатиш қоидалари талабларига мувофиқ ўрнатилганлиги ва улардан фойдаланиш ҳолати ҳам алоҳида назоратга олинган.

Амалга оширилаётган назорат кўриқлари нафақат кундузи, балки тунги вақтларда ҳам ўтказилмоқда. Объектларнинг масъул ходимлари иштирокида ёнгин содир бўлган ҳолатларда навбатчи ва ишчи-ходимларнинг амалий ҳаракатлари ҳам текширилиб, ўқув-амалий машғулотлар ташкил этиляпти.

Аниқланган камчиликлар юзасидан объект раҳбарларига маълумотнома, тавсиялар ва бажарилиши мажбур бўлган ёзма кўрсатмалар берилмоқда. Ёнгин хавфсизлиги талаблари қўпол тарзда бузилган ҳолатларда эса айрим ишлаб чиқариш участкалари, хоналар ёки ускуналар фойдаланишдан вақтинча тўхтатилмоқда.

Н.НУРМАТОВА

“МИСКИН – НУКУС” ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯСИДА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА



“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги “1-сон Энергомонтаж поезди” масъулияти чекланган жамияти жамоаси соҳадаги қурилиш ва темир йўл линияларини электрлаштириш, электр тармоқларини қуриш, ҳаво ва кабель линияларини қайта қуриш, электр қурilmаларини синовдан ўтказиш ҳамда фойдаланишга топшириш, капитал таъмирлаш ишларини бажаришда

муҳим корхоналардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Осиё тараққиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан ҳамкорликда “Мискин – Нукус” темир йўл линияларини электрлаштириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари” тўғрисида”ги 5-сонли қарори бўйича “Мискин – Нукус” темир йўл линиясидаги 196,12 километр масофадаги электрлаштириш ишлари муваффақиятли давом эттирилмоқда.

“Мискин – Нукус” темир йўлини электрлаштириш” лойиҳасининг 196,12 километр масофаси контакт тармоғининг қурилишида қўриқланмайдиган 15 та темир йўл ва авто йўл кесимларини қўриқланадиган кесиммага ўтказиш, уларни электр токи билан таъминлаш, сунъий ёритиш тизимларини ўрнатиш, қолаверса, 4 та контакт тармоғи навбатчи пункти биносини қуриш ишлари бажарилмоқда.

Давоми 2-бетда

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ

ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАЛАРИДА БАҲОРГИ КЎРИК ЎТКАЗИЛМОҚДА

Поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш биринчи галда пўлат изларнинг, сигналлаштириш ва алоқа, электр қурilmаларининг ҳамда вагонларнинг созликка бўлиқ бўлса, меҳнат муҳофазаси талаблари ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, жойлардаги мутахассисларнинг билим ва тажрибаси ҳам муҳим ўрин тутади.



Жорий йилнинг 21 апрель кундан “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиалига қарашли темир йўл участкаларида бошланган баҳорги кўриқда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари А.Камилжонов,

Ҳаракат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси назорати департаменти бошлиғи А.Шарифбаев, “Темирйўл-инфраструктура” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари С.Асроров, шунингдек, филиал раҳбарияти бошчилигидаги ишчи гуруҳи томонидан

бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Комиссия аъзолари ҳозирги кунга қадар “Тошкент – Хўжакент” ҳамда Тошкент шаҳри ва шаҳар атрофидаги, “Тошкент – Ангрен”, “Тошкент – Гулистон”, “Гулистон – Бекобод” йўналишларидаги темир

йўл участкаларида бўлишиди.

Кўрик давомида станциялар, йўл, сигналлаштириш ва алоқа, электр таъминоти, вагон ҳўжаликлари ҳамда бино ва иншоотларнинг ҳолати, меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилиниши, қурилмаларнинг соз ҳолатида сақланиши бўйича олиб борилаётган ишлар атрофлича ўрганилди.

Ҳар бир станция бошлиғи, навбатчилари ҳамда ҳўжаликлар ходимларининг билим ва тажрибасини ошириш мақсадида савол-жавоблар қилиб, уларнинг билимларини синовдан ўтказиб боришмоқда.

Ишчи гуруҳи “Чукурсой” станциясида Хитой Халқ Республикасида келтирилиб, синов тариқасида ўрнатилган янги турдаги стрелкали ўтказгич ва Салар темир йўл масофасида ташкил этилаётган темир йўл кесимларини марказдан назорат қиладиган кузатув марказини ҳам кўздан кечиришди.

Кўрик давомида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга тўсиқ бўладиган нуқсон ва камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бора-бора тегишли мутахассисларга топшириқ ва тавсиялар берилди.

Баҳорги кўрик давом этмоқда.



“МИСКИН – НУКУС” ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯСИДА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА



Йил бошидан ҳозирга қадар “1-сон Энергомонтаж поезда” масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан “Мискин – Нукус” темир йўлининг контакт тармоғи қурилиши лойиҳаси доирасида таянчлар ўрнатиш учун 5 минг 44 дона ҳандақ қазилди, қазилган ҳандақларга 4 минг 134 дона темир-бетон таянч ҳамда устунлар ўрнатилди. “Мискин – Ну-

кус” темир йўл участкаси 27,5 кВли 196,12 километр темир йўл ускуналари ва қурилмаларини электр токи билан таъминловчи (ДПР) электр тармоқларини қуришда 6 минг 881 дона кронштейн ўрнатилди ҳамда 220 километр юқори кучлинишли АС-50 турдаги симлар тарқатилди. Металл кронштейнлар ўрнатиш ишлари давом эттирилмоқда.

Ушбу участка темир йўл тармоғини электрлаштиришда 9 та энергоучасткадан 5 та энергоучастка ишчи-ходимлари жалб этилган бўлиб, шундан 5 та энергоучастка бошлиқлари, 10 та энергоучастка устаси, 264 та электромонтёрлар ишламоқда. Шунингдек, 50 тадан ошиқ махсус техникаларда иш олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб “Мискин” –

“Нукус” темир йўл станциялари ва станция оралиқларида контакт тармоғи симларини тутиб турувчи 264 дона қаттиқ кўндаланлар, 4 минг 2 донага яқин консоллар ўрнатилди, 80-90 километр масофага контакт тармоғи симлари тарқатилиб, иш ҳолатига келтирилди.

Рустам ХАЙДАРОВ

ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИДАН

ДИСПЕТЧЕРЛАР УЧУН МУҲИМ МАШҒУЛОТ

Темир йўл тизимида ҳар бир сония ғанимат, айниқса, гап инсон саломатлиги ва хавфсизлиги ҳақида кетганда.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ягона диспетчерлик марказида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти билан ҳамкорликда “Фавқуллодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш ва биринчи ёрдам кўрсатиш” мавзусида амалий ўқув машғулотлари ўтказилди.

Диспетчерлар нафақат поездлар ҳаракатини бошқариши, балки қўтилмаган вазиятларда ҳам “совуққон” қўтқарувчига айлана олишлари керак.

Тренинг давомида бахтсиз ҳодиса юз берганда ваҳимага тушмасдан ҳаракат қилиш кетма-кетлиги, нафас йўллари тўсилиб қолганда ёки ҳушдан кетганда кўрсатиладиган тезкор



ёрдам ҳамда жароҳатлар билан ишлашда қон кетишини тўхтатиш ва боғламларни тўғри қўйиш усуллари тушунтириб берилди.

Темир йўл – юқори хавфга эга



бўлган ҳудуд. Диспетчер эса тизимнинг “юраги” ҳисобланади. Уларнинг биринчи ёрдам кўникмаларига эга бўлиши, нафақат иш жойида, балки кундалик ҳаётда ҳам кимнингдир ҳаёт



тини сақлаб қолиши мумкин. Ҳар бир ходим биринчи ёрдам кўрсатишни билиши – бу шунчаки мажбурият эмас, бу маданият ва масъулиятлигини ҳис қилиши зарур.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ДОИМИЙ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

Меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишидаги жараённинг бардавомлигини таъминлаш мақсадида “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали ҳамда Худудий касаба уюшма кўмитаси ўртасидаги 2026-2028 йиллар учун тузилган Жамоа шартномасига 59 банддан иборат “Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси” бўлими киритилди.

Ҳар бир корхона ва ташкилотда юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатлар асосида меҳнатни муҳофаза қилишга оид қоидаларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати ташкил этилган.

Ушбу вазифа корхона ва ташкилотлар меҳнат жамоаси ҳамда касаба уюшма ташкилотининг умумий йиғилиши ёки конференциясида очик овоз бериш йўли билан шу жамоа



ҳодимларидан сайланган 248 нафар меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллари томонидан тизимли равишда амалга оширилиб келинмоқда.

Жамоа шартномаси талабларидан келиб чиқиб ва унда кўзда тутилган ҳодимларнинг саломатлигини сақлаш, касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, ноқулай меҳнат шaroитларида ишлаётган ҳодимларни даврий кўриқдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди. Касаба уюшма фаоллари томонидан ҳодимларнинг махсус кийим, пойабзал ва бошқа индивидуал ва жамоавий ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки доволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан ўз вақтида таъминланиши юзасидан доимий жамоатчилик назорати ташкил этилган.

Жумладан, 2025 йилда “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали корхона ва ташкилотларида

ноқулай меҳнат шaroитларида ишловчи темирйўлчиларга сут маҳсулотлари учун 65 миллион 800 минг сўм, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ҳолатини янада яхшилаш дастури бўйича жами 325 миллион 516 минг сўм молиявий маблағ сарфланган.

Умуман олганда, Худудий касаба уюшма кўмитасининг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги сиёсатида ишчи-ҳодимлар ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлаш, иш жараёнидаги жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олиш устувор вазифа саналади. Шунингдек, фаолиятда қўлланиладиган ҳуқуқий ва меъёрий талабларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси талаблари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Албатта, ушбу йўналишдаги ишлар касаба уюшма фаоллари томонидан самарали тарзда ва тизимли равишда амалга оширилиши давом эттирилади.

К.КАРИМОВ,
“Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали Худудий касаба уюшма кўмитаси раиси

ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинлашиб келаётган Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали Худудий касаба уюшма кўмитаси томонидан Учқудуқ узели корхоналари ишчи-ходимлари ўртасида мини-футбол мусобақаси ўтказилди.



Натижаларга кўра, 1-ўрин Учқудуқ темир йўл масофаси жамоасига, 2-ўрин Навоий алоқа ва ишорат масофаси жамоасига ҳамда 3-ўрин “Бухоро” вагон эксплуатация участкаси жамоасига насиб этди.

Мусобақада 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган жамоалар пул мукофоти ва ҳар бир мусобақа иштирокчиси эсдалик совғалари билан тақдирланди.

“ТЕРМИЗ” ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ

“Термиз” локомотив депосида “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Ф.Мамадалиев раҳбарлигида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мазкур йиғилишда узел таркибидagi барча корхона ва станциялар бошлиқлари, ҳаракат хавфсизлиги учун масъул раҳбар ходимлар ҳамда локомотив машинистлари иштирок этди.



Унда локомотивлардан фойдаланиш жараёнлари, уларга техник хизмат кўрсатиш сифати, сме-на давомида нуқсонларга йўл қўймаслик, мавжуд камчиликларни бартараф этиш масалалари а-трофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, йиғилиш давомида ишчи-ходимларнинг фикр ва таклиф-лари тингланиб, аниқланган муаммоларни тезкор бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга топши-риқлар берилди.

“ИСТИҚБОЛЛИ ЁШ МУТАХАССИС” ТАНЛОВИНИНГ САРАЛАШ БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ

“Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали миқёсида “Истиқболли ёш мутахассис” танлови-нинг “Электр таъминоти” йўналиши бўйича сара-лаш bosқичи бўлиб ўтди.

Танловда ёш мутахассислар ўз билим ва са-лоҳиятларини синовдан ўтказдилар. Натижаларга кўра, 1-ўрин ЭЧК-31 цехи электромеханиги Тангри-берди Нормаматовга, 2-ўрин ЭЧК-30 цехи электро-монтери Шохбоз Бегимовга ҳамда 3-ўрин ЭЧК-27 цехи электромонтери Жалолиддин Саидовга на-сиб этди.



Саралаш bosқичи голиблари корхона раҳба-рияти ва Касаба уюшмаси кўмитаси томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдир-ланди, улардан икки нафари “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти миқёсида бўлиб ўтадиган танловнинг якуний bosқичида иштирок этиш учун йўлланма олди.

БУХОРОГА САЁҲАТ УЮШТИРИЛДИ

“Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбарияти ҳамда Худудий касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан 25-26 апрель кунлари ходим-лар учун икки кунлик маданий-маърифий туристик саёҳат ташкил этилди. Саёҳат манзили сифатида қадимий ва бетакрор шаҳар – Бухоро танланди.

Мазкур саёҳатдан кўзланган асосий мақсад хо-димларнинг маданий-ҳордиқ чиқаришларини таъ-минлаш, улар ўртасида жамоавий муҳитни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, миллий меросимизга бўлган қизиқишни оширишдан иборат бўлди.

Саёҳат давомида иштирокчилар Пойи Калон мажмуаси, Арк кўрғони, Лаби Ҳовуз ансамбли каби тарихий обидалар билан яқиндан танишдилар. Қадимий шаҳар кўчаларида сайр, миллий мейморчи-лик намуналарини томоша қилиш иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Икки кунлик саёҳат давомида ходимлар нафа-қат дам олиш, балки бир-бирлари билан яқиндан мулоқот қилиш, дўстона муносабатларни муста-ҳкамлаш имконига эга бўлдилар. Бу эса меҳнат жа-моасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва бирдамликни яна-да кучайтиришга замин яратди.

МАХСУС-ТАКТИК ЎҚУВ МАШҚИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиа-лига қарашли “Олоқ” темир йўл станциясида мах-сус-тактик ўқув машқи ташкил этилди.

Мазкур ўқув машқи “Бошқарув органлари фав-қулда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат функционал

ҳамда қуйи тизимларнинг фавқулдада вазиятлар-ни бартараф этиш бўйича ҳаракатлари” мавзусида кўмондонлик-штаб шаклида ўтказилди.



Машғулот давомида фавқулдада вазиятларни олдини олиш, юзага келган ҳолатларда тезкор ва самарали чоралар кўриш, бошқарув органлари ҳамда тегишли хизматларнинг ўзаро ҳамкорлиги-ни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, амалий ҳаракатлар орқали фуқаро муҳофазаси, ёнгин хавфсизлиги ва фавқулдада вазиятларда тезкор бошқарув бўйича ходимлар-нинг билим ва кўникмалари янада мустаҳкамлан-ди.

БУТУНЖАҲОН МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Қарши электр таъминоти масофаси филиали-да 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қи-лиш кунига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда ходимларга Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги 819-сонли қарори, “Меҳнат муҳофазаси” қонуни, Жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиб-қоидала-ри тўғрисида сўз борди. Иш жойида юзага келади-ган зарарли омиллардан қандай ҳимояланиш мум-кинлиги мисоллар билан тушунтирилди.

Шунингдек, филиалнинг меҳнатни муҳофаза қилиш вакиллари ўртасида тест кўринишида му-сабақа ўтказилди. Унда фахрли 1-ўринга Яқкабоғ ЭЧК-30 электромонтери А.Камолов муносиб деб топилган бўлса, Тошгузор ЭЧК-29 электромонте-ри Ш.Иботов 2-ўрин соҳиби бўлди. Яқкабоғ ЭЧК-30 электромонтери А.Холмаматов ва Қашқада-рэ ЭЧК-28 электромонтери Д.Ражабовлар фахрли 3-ўринни эгаллашди.

Ғолибларга филиал бошлиғи ва Бошланғич ка-саба уюшма кўмитасининг фахрий ёрлиғи, эсдалик совғалари топширилди.



КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИДИР!

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларни оммавий спортга кенг жалб этиш, бу орқали меҳнат жамоа-ларида соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлаш, меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ти-зимли ишларни амалга ошириб келмоқда.



Республика Кенгаши томонидан соҳа ходимлари ва улар-нинг оила аъзолари ўртасида ташкил этилаётган спартакиа-да ва турнирлар, оилавий спорт мусобақалари фикримиз да-лили бўла олади.

Жорий йилнинг 18-19 апрель кунлари “Хўжакент” масъ-улияти чекланган жамияти дам олиш масканига 2 кунлик жамоавий саёҳатлар ташкил қилинди ҳамда “Ўзбекистон те-мир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасаларидаги 120 нафар ишчи-ходимлар ўртасида кувноқ эстафеталар бўйича беллашувлар ўтказил-ди.

Мусобақалар давомида барча иштирокчилар юқори кай-фиятда бўлиб, шижоат кўрсатдилар. Спорт тадбирларига пухта тайёргарлик кўриб, катта қизиқиш билан иштирок эт-дилар.

Қизғин баҳсларга бой ўтган мусобақаларда ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланган ғолиб ва совриндорлар Рес-публика Кенгаши дипломи, медаль ва совғалар билан тақ-дирландилар.



VOSSLON ПОСТАВИТ КОМПОНЕНТЫ ВЕРХНЕГО СТРОЕНИЯ ПУТИ ДЛЯ ТАНЗАНИИ

Компания Vossloh заклю-чила крупные контракты сум-марной стоимостью около 30 млн евро на поставки стрел-очных переводов и систем рельсовых скреплений для двух участков строящейся в Танзании электрифицированной железной дороги колеи 1435 мм, которая свяжет крупные портовые города Дар-эс-Салам на побережье Индийского океана и Мванза на озе-ре Виктория. Контракты охватывают участки Макутупора – Тобора и Тобора – Исака, строительство которых ведет турецкая компания Yari Merkezi по поручению корпорации Tanzania Railways (TRC). Vossloh поставит для этих участков суммарной длиной 424 км около 130 стрелочных переводов и 840 тыс. систем рельсовых скреплений. Стрелочные пере-воды изготовят в Истаде (Швеция), скрепления – в Вердоле (Германия).

Строительство линии Дар-эс-Салам – Мванза общей про-тяженностью более 2500 км с учетом возможных примыка-ний к железным дорогам таких стран, как Бурунди, Демокра-тическая Республика Конго (ДРК), Руанда и Уганда, разделе-но на шесть участков. Перевозки на первом участке Дар-эс-Салам – Морогоро начались в июне 2024 г. Строительство участка Тобора – Исака длиной 130 км ведет компания Yari Merkezi. Контракты на сооружение еще двух участков, Иса-ка – Мванза (249 км) и Тобора – Кигома (506 км), заключены с китайскими компаниями CCECC и CRCC. Ввод последних трех участков в эксплуатацию намечен на 2028 г.

В ИТАЛИИ РЕАЛИЗУЕТСЯ ПРОГРАММА ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОЙ ЛОГИСТИКИ

Логистическое подразделение железных дорог Италии FS Logistix, итальянский фонд инфраструктурных инве-стиций F2i и его дочерняя компания FHP Group 22 апреля 2026 г. подписали договор о приобретении компаний FS Logistix 30 % ной доли крупного частного грузового опера-тора Compagnia Ferroviaria Italiana (CFI), контрольный пакет акций которого принадлежит FHP Group. Закрытие сделки, сумма которой не разглашается, состоится после одобрения регулирующими органами.

Приобретение осуществляется в целях совершенствова-ния логистических услуг в соответствии с задачами ЕС по перераспределению грузопотоков с автомобильного на же-лезнодорожный транспорт, повышения энергоэффективност-и и экологичности транспорта.

Со штатом, превышающим 1000 чел., FHP Group пред-лагает услуги по перевалке грузов в портах и перевозкам по железным дорогам. В Италии оператор управляет десятью портовыми и четырьмя мультимодальными терминалами со складскими площадями, превышающими 350 тыс. м², а также парком из 50 локомотивов и примерно 1000 вагонов. Ежегодно в Италии и других европейских странах FHP Group выполняет работу в объеме до 6 млн поездов км.

По материалам интернета

СЕМИНАР

СОҒЛОМ ПСИХОЛОГИК-ИЖТИМОЙ ИШ МУҲИТИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали Худудий каса-ба уюшма кўмитаси томонидан узелнинг техник ўқув машғулот марказида 28 апрель – Бутунжа-ҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишланган “Соғлом пси-хологик-ижтимоий иш муҳитини таъминлайлик” мавзусида семи-нар-тренинг бўлиб ўтди.



жон Амонов ва вилоят Кенгаши меҳнат техник инспектори Ҳайитбек Барноев-лар таклиф қилинди. Кўтаринки руҳда ўтган давра суҳбати савол-жавобларга бой бўлди.

Ўқув-семинар якунида узелнинг корхона, ташкилот ва муассасала-ри ўртасида “Меҳнат муҳофазаси ва

хавфсизлиги бўйича жамоатчилик на-зоратини ташкил этиш юзасидан Рес-публика кўрик-танловининг 1-босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.

Кўрик-танловнинг 1-босқич нати-жаларига асосан “Энг яхши натижа-ларга эришган корхона” номинация-сида 1-ўринни Бухоро электр билан таъминлаш масофаси корхонаси, 2-ўринни “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали, 3-ўринни эса На-воий алоқа ва ишорат масофаси кор-хонаси эгаллади.

“Энг яхши натижаларга эришган Бошланғич касаба уюшма ташкило-ти” номинациясида 1-ўрин Самарқанд алоқа ва ишорат масофаси, 2-ўрин Бу-хоро алоқа ва ишорат масофаси ҳам-



да 3-ўрин Бухоро темир йўл масофаси бошланғич касаба уюшма ташкилот-ларига насиб этди.

“Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўй-ича ёш мутахассис” номинациясида 1-ўринга “Бухоро” локомотив депоси корхонасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги муҳандиси З.Ҳа-йитова, 2-ўринга “Тинчлик” локомотив депоси корхонасида меҳнат муҳофа-заси ва техника хавфсизлиги муҳандиси С.Турупов, 3-ўринга Бухоро темир йўл масофаси корхонасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги муҳандиси А.Ҳазратов сазовор бўлди.

“Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўй-ича вакил” номинациясида 1-ўридан Бухоро алоқа ва ишорат масофаси корхонасида электромеханик Ш.У-медов, 2-ўридан “Бухоро” локомотив депосига қарашли “Мароқанд” айлан-ма депоси омборчиси З.Пардаева ҳамда 3-ўридан Бухоро электр билан таъминлаш масофаси корхонасида Ш.Кўчқоровлар жой олди ва ғолиб-ликни қўлга киритишди.

Рустам ПЎЛАТОВ,
Худудий касаба уюшма кўмитаси
Меҳнат муҳофазаси бўлими
бош мутахассиси





СИЗ КУТГАН СУХБАТ



ГУЛИ НИГОР АВАЗОВА:

“ИНСОН ОТА-ОНАСИДАН АНДОЗА ОЛАДИ”

ЖУРНАЛИСТ ВА ШОИРА, КЎПЛАБ ШЕЪРИЙ КИТОБЛАРНИНГ МУАЛЛИФИ ГУЛИ НИГОР АВАЗОВА 1988 ЙИЛ 2 МАЙ КУНИ ҚАШҚА-ДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТУҒИЛГАН. ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ-НИНГ “ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА” ФАКУЛЬТЕТИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАМОМЛАБ, ИЖОДИЙ ВА ЖУРНАЛИСТИК ФАОЛИЯТИНИ УЙҒУН ҲОЛДА ОЛИБ БОРМОҚДА.

Ижодиди ҳаёт, инсон қалби, муҳаббат, Ватанга садоқат ва маънавият каби теран мавзулар ўзига хос нозик дид ва самимият билан акс этади. Шоиранинг “Уйғон, кўнгил”, “Саодатга йўлловчи маскан”, “Хурлигимни куйлайман”, “Тонг чорлови”, “Гулнинг эртаги”, “Рангин руҳнат” номли шеърӣ ҳамда бадий-публицистик китоблари китобхонлар қалбидан чуқур жой

олган. Унинг асарлари нафақат эстетик заъқ бағишлайди, балки ўқувчини фикрлашга, ҳис этишга, ҳаётга янги нозик билан қарашга ундайди.

Ижодкор ўзининг сермахсул ижоди, юксак истеъдоди ва адабиётга қўшаётган муносиб ҳиссаси билан кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлган ижодкорлардан биридир. 2005 йилда нуфузли “Зулфия” номидаги давлат мукофоти соҳиба-

си бўлиб, бу эътироф унинг истеъдоди ва меҳнатининг ёрқин тасдиғидир. Шунингдек, у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси сифатида миллий адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

У ўзининг бетақор ижодий услуги, нафис туйғуларни ифодалаш маҳорати ва қалбларни уйғотувчи сатрлари билан адабиёт ихлосмандларини руҳлантириб, янги асарлари билан китобхонларни қувонтиришда давом этмоқда. Бугунги меҳмонимиз шоира, қалами ўткир журналист Гули Нигор Авазова билан бўлган кизиқарли суҳбатимиз сиз, азиз темирйўлчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

– Болаликдаги шўхликлар, қизиқишлар, орзулар қандай кечган?

– Болалигим ҳақида гапирсам, бир жойда ўтирмайдиган, барча шўхликларнинг бошида турадиган қиз бўлганман. Уйда кўпроқ акаларим билан ўйнардим, қизларга хос ўйинлар менга биров зерикарли туюларди. Дунёдаги ҳар бир ҳодиса – сувнинг оқишдан тортиб, куёшнинг ботиши-ю,



машиналарнинг ҳаракатига мени қизиқтирарди. Саволларимнинг чеки йўқ эди. Мана шу изланувчанлик натижасида гоҳ археолог, гоҳ геолог ёки архитектор бўлишни орзу қилардим. Ниятим – дунё кўриш, янгиликларни ўрганиш ва борлиқ сирларини англаш эди.

– Агар журналист бўлмаганингизда, қайси касбни танлаган бўлардингиз?

– Мен тахминан, 15 ёшимда журналист бўлишга қарор қилганман. Аниқроғи, болаликдаги орзуларим қатъий мақсадга айланган ўша кезлардан буён ўз танловим йўлидан юриб келяпман. Бу

касбни танлаганимдан ҳеч қачон афсусланмаганман, шу боис “бошқа соҳа эгаси бўлсанман, натижасида кўпроқ кўришга эҳтиёж сезилмаган. Бироқ воқелиқдан келиб чиқиб айтсам, ота-онам филолог бўлишгани сабабли, менда ҳам бу соҳага кучли мойиллик бор. Масалан, оналик таътилида бўлган давримда кўплаб китобларга муҳаррирлик ва мусаххилик қилдим. Сўз билан ишлаш, таҳрир санъати ва фикрни бадий ифодалай олиш менинг ички дунёимдаги жараёнлардир. Шу боис, эҳтимол, филология соҳасини танлаган бўлардим.

*Фусункор Тошкентда катта шохбекат,
Поездлар шиққириб тўхтар атайин.
Юрагимда шахрим созинчи қат-қат,
Тушунсин вагонлар, дардим атайин.*

*Ахир у безубор шахрим ҳавосин
Маҳкам қучганича чопар тинмайин.
Келади, кетади, билсин баҳосин –
Шу нўлат рельсларга таҳсин атайин...*

*...Яна йўлга тушар поезд шиққириб
Пўлат изларида дардим ётайин.
Энди қололмайди ҳеч нарса олиб –
Мен ҳам шу поездда кетмогим тайин.*



– Бугунги ўзбек журналистикасида қандай камчиликларни кузатасиз?

– Мени энг кўп ўйлантирадиган жиҳат – журналистларнинг оммавий тенденцияларга (трендларга) кўр-кўрона эргашиб, профессионал этикани унутиб қўяётганидир. Устозларимиз бизга журналистиканинг ўз эстетикаси ва мезонлари борлигини ўргатишган. Ҳар қандай сўзни ҳамма ерда ҳам ишлатиб бўлмайди, аммо ҳозир баъзи ҳамкасбларимиз сўз қўллашда масъулиятсизликка йўл қўйишмоқда. Ҳақиқий журналист ҳар бир хабарни аввало ақл ва совуққонлик призмасидан ўтказиши, унинг оқибатларини мушоҳада қилиб, сўнг эфирга узатиши ёки чоп этиши лозим. Назаримда, айнан мана шу жиҳат – холислик ва касбий масъулият ҳозирги журналистикада биров оқсаятандек.

– Фарзанд тарбиясида ота-онанинг роли қанчалик муҳим деб ўйлайсиз?

– Инсон ота-онасидан андоза олади. Мен улғаяётган ва тарбияга энг муҳтож бўлган пайтимда онам тўғри йўл кўрсатиб, мақсад сари интилишни ўргатганлар. Менимча, инсон учун энг зарур фазилатлар – бу мақсад сари интилувчанлик ва қатъиятдир. Агар қатъият билан ҳаракат қилсангиз, албатта, натижа бўлади. Шу билан бирга, инсоннинг бағрикенглиги, кўнгли тозаллиги ва ҳасаддан йироқ бўлиши оилада бериладиган тарбиянинг мевасидир.

– Шеърятга қизиқиш қачондан бошланган?

– Илк шеъримни, ойижоним айтишларича, 4 ёшимда ёзган эканман. Кейинчалик ҳаваскорона машқларимни тўплаб, 12 ёшимда илк шеърӣ китобимни чоп эттирганлар. Шу-шу, шеърӣят ҳаммашалик ҳамроҳим бўлиб қолган.

– Охири марта қачон поездга чиққансиз?

– Охири марта поездга ўтган ҳафта чиққим, Бухорога бўлган хизмат сафаримизда поездда бориб келдик. Поезд менинг ҳаётим билан чамбарчас боғлиқ. Талабалик йилларимда уйимдан узокда, пойтахтда ўқиганим сабаб, поезддан кўп фойдаланар эканман. Ҳозиргина ҳам уйимга бориб келишда имкони бўлса албатта, бу транспорт туридан фойдаланаман. Чунки, ҳавфсиз, ортиқча тирбандликлар йўқ, вақтинча режалаштириб яшаётган ҳозирги замон одамлари учун бу жуда қулай.

Аваз ОМОНОВ суҳбатлашди



ДОНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

- Агар сиз ишлайдиган аёлни танлаган бўлсангиз, у уй ишларини ҳаммаша ҳам тиндириб қўя олмаслигига тайёр туuring;
- Рўзғорингиз ҳақида қайғуриши керак бўлган аёлни танлаган бўлсангиз, у пул топа олмаслигини ҳам қабул қилинг;
- Агар сиз итоаткор аёлни танласангиз, ҳамма масъулият сизнинг зиммангизда эканини ҳис қилинг;
- Жасур аёл билан яшашга қарор қилган бўлсангиз, у ҳаммаша ҳам юмшоқ бўла олмаслигига ва ўзининг мустақил фикрига эга эканлигига кўнилинг;
- Агар чиройли аёл билан яшашмоқчи бўлсангиз, харажатларини ҳам кўтаринг...

Гавҳар НАСРУЛЛОХ

ТАДБИР

ТУРКИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ҳамда қардошлиқ ришталари маданият соҳасидаги ҳамкорликлар орқали янада мустаҳкамланиб бормоқда. 25-30 апрель кунлари тарихий Хива шаҳрида ўтказилаётган “Лазги” III Халқаро рақс фестивали доирасида 27 апрель куни Туркия – Ўзбекистон Маданий ҳамкорлик қўшма комиссиясининг III йиғилиши бўлиб ўтди.



Унга Туркия Республикаси Маданият ва туризм вазирининг ўринбосари Батухан Мунжу ва Ўзбекистон Маданият вазирининг ўринбосари Муроджон Маждидов раислик қилди. Йиғилишда икки мам-

лакатнинг маданий мероси, музей фаолияти, номоддий маданий мероси, кино санъати, театр ва ижрочилик санъати соҳаларидаги етакчи мутахассислари ва раҳбар ходимлари иштирок этди.



Учрашувда умумий маданий меросни асраш ва тарғиб қилиш, музейлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма кино лойиҳаларини амалга ошириш, театр ва сахна санъатини ривож-

лантириш, ижодий жамоаларнинг ўзаро алмашинуви ҳамда маданий тадбирларни биргаликда ташкил этиш каби мавзулар атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилиш якунида Туркия



ва Ўзбекистон ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган Қўшма комиссиянинг баённомаси имзоланди. Қардош Туркия Ўзбекистон билан маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда бу ришталарни қўшма лойиҳалар орқали келажакда ҳам изчил давом эттиришга содиқ қолади.

МУАССИСЛАР:
“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

Таҳрир кенгаши:
Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусаххич –
Умида ТҮЙЧИБОЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-434 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6